



Problems of preventing youth from the negative consequences of drug addiction in the Central Asian region

Zokhidjon KHAYITMATOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received May 2023

Received in revised form

15 June 2023

Accepted 25 June 2023

Available online

15 July 2023

Keywords:

drug addiction,
heroin,
opium,
Central Asia,
South,
West Asia,
global,
extremism,
terrorism,
arms trade,
human trafficking.

ABSTRACT

In the article, the ways of the spread of narcotics, which cause concern and danger to the world community, and its negative consequences, are written and analyzed based on scientific examples. In addition, the sad fate of people who become victims of these drugs in the Central Asian region, especially young people, the role of spirituality in fighting against it is revealed in the article.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss5/S-pp360-364>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Марказий Осиё минтақасида гиёҳвандликнинг салбий оқибатларидан ёшларни сақлаш муаммолари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

гиёҳвандлик,
героин,
опиум,
Марказий Осиё,
Жанубий,
Ғарбий Осиё,
глобал,
экстремизм,
терроризм,
қурол савдоси,
одам савдоси.

Мақолада дунё ҳамжамиятини ташвишга ва таҳликага солаётган гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиш йўллари ҳамда унинг салбий оқибатлари, илмий мисоллар асосида ёзилиб таҳлил этилган. Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасида ушбу гиёҳванд моддаларнинг қурбонига айланиб қолаётган инсонлар айниқса ёшларнинг аянчли тақдири, унга қарши курашишда маънавиятнинг ўрни мақолада очиқ берилган.

¹ Senior teacher, Andijan State University.

Проблемы профилактики молодежи от негативных последствий зависимости в регионе Центральной Азии

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

наркомания,
героин,
опиум,
Центральная Азия,
Южная Азия,
Западная Азия,
мир,
экстремизм,
терроризм,
торговля оружием,
торговля людьми.

В статье на научных примерах описаны и проанализированы пути распространения наркотиков, вызывающие беспокойство и опасность для мирового сообщества, и его негативные последствия. Кроме того, в статье раскрывается печальная судьба людей, ставших жертвами этих наркотиков в Центральноазиатском регионе, особенно молодежи, а также рассмотрена роль духовности в борьбе с ней.

Ўзининг табиий ва ижтимоий офат ва талофатлари, ютуқ ҳамда камчиликлари билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган XXI асрда дунёнинг баъзи бир минтақаларида фан-техника тараққий этиб бориб, ўша минтақа ёшлари илм-фаннинг ривожланиши натижасида кўплаб техник ва технологик ютуқларга эришиб келаётган бўлса, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё минтақаларида диний, миллий, этник зиддиятларнинг келиб чиқиши оқибатида кўплаб ёшлар таълим олиш ўрнига ҳаётнинг қийин синовларини бошдан кечиришга мажбур бўлмоқда. Ушбу минтақаларда глобал терроризм ва экстремизм, сепаратизм сингари хавфнинг ортиб бориши, оммавий саводсизликни келтириб чиқариш билан бир қаторда, ўша ҳудудларда қурол савдоси, одам савдоси, аёллар ва болаларнинг кундалик зўравонликларга учраши сингари хавф-хатарнинг ошиб боришига сабаб бўлиши билан бирга минтақа ёшлари ўртасида гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг кенг тарқалишига ҳам асос бўлди.

Бинобарин, ушбу ҳудудларда чегара билмас глобал хавфга айланиб бораётган гиёҳвандлик инсониятни эзгуликка эмас, балки жиноят ва ёвузликка етакловчи иллатга айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда аср вабосига айланган мазкур иллат ёшлар ўртасида кун сайин кенг қулоч ёзиб бораётганлиги, айниқса ушбу вабонинг асосий қисми Афғонистон заминида етиштирилиб, Марказий Осиё минтақасида жойлашган мамлакатлар орқали Шарқий ва Ғарбий Европа минтақаси давлатларига етказиб берилаётганлиги, минтақада гиёҳвандлик воситаларига қарши курашишда ўзаро бирдамликда ҳаракат қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Гиёҳвандлик иллатининг ёшлар ўртасида кенг қулоч очиб бораётганлиги, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ортиб бориши билан бир қаторда, кўплаб оилаларнинг бузилишига ҳамда миллат генофондининг бузилишига олиб келмоқда. Бугун жаҳон статистик маълумотида қарайдиган бўлсак, дунёда гиёҳвандлик дардига чалинганларнинг сони қарийб 500 миллиондан ортиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин. Бинобарин, гиёҳвандликка ружу қўйган инсонларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётганлиги дунё аҳлини ушбу иллатнинг оғир оқибатларидан сақланиш чораларини топишга ва унга қарши курашишга ундайди. Ачинарлиси шундаки, ушбу оғу таъсирида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши вафот этаётган бўлса, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади [1].

Бу эса ўз навбатида ушбу иллатнинг салбий оқибатларига қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг ролини ошириб бориш энг долзарб масалага айланди. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрда қабул қилган резолюциясига (№42/112) биноан ҳар йили 26 июнда Халқаро гиёҳвандлик ва бангифурушликка қарши кураш куни (International Day against Drug Abuse and Illicit Trafficking) нишонланади.

1909 йилнинг февраль ойида 13 та давлат вакиллари Осиёда гиёҳванд моддалар етиштирилишига қарши курашиш мақсадида Шанхайда тўпланган. Ўшанда Шанхайда комиссия ташкил этилган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг тан олишича, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, жаҳонда гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси муаммолигича қолмоқда. Бу муаммо ҳамон жиддий таҳдид сифатида қаралмоқда.

Жаҳон статистик маълумотларига қараганда, 15 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар орасида қайд этиладиган ўлимларнинг 1,3 фоизи гиёҳвандлик оқибатида юз берар экан. Бир йилда 211 мингта ўлим айнан гиёҳвандлик оқибатида келиб чиқади. Европада гиёҳвандлик оқибатида ҳалок бўлаётганларнинг ўртача ёши 35 ёшни ташкил қилади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда гиёҳвандлик оқибатида 1,6 миллион киши ВИЧга мубтало бўлади, 7,2 миллион киши эса гепатит С вирусини юқтириб олади, 1,2 миллион киши гепатит В вирусига чалинади [2].

Инсониятни турли касаллик ва кулфатга солаётган гиёҳвандлик балоси, XX аср бошларига келиб, дунёнинг кўп давлатларида аҳоли ўртасида авж олиб, касаллик сифатида намоён бўлиб келди. Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг берган маълумотига қарайдиган бўлсак, биргина 2021 йилнинг ўзида Афғонистонда етиштирилган ҳамда ишлаб чиқилган афюннинг миқдори қарийб 8 фоизга ошиб, ушбу ажал оғусининг миқдори 6,8 минг тоннага етган. Ташкилотнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг (UNODC) берган маълумотига кўра, ушбу оғунинг бу зайилда ўсиши бутун дунё бозорига 320 тонна соф героин моддасини етиб боришини англатади. Бинобарин, Афғонистон ҳозирда дунёдаги барча гиёҳванд моддалардан фойдаланувчиларнинг 80 фоизини таъминлайди. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан солиштирганда 5 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. UNODC берган маълумотига кўра, 2021 йилда опиум ишлаб чиқаришдан олинган фойда 1,8 миллиард доллардан 2,7 миллиард долларгача ўсиб, гиёҳванд моддаларни мамлакатдан ташқари ҳудудларда сотишлик анча кўпроқ даромад келтирган [3]. Гиёҳванд моддалардан келатган даромаднинг ўсишига сабаб бўлувчи яна бир сабаб, Афғонистон диёридаги сиёсий-ижтимоий вазиятнинг беқарор эканидир. Ачинарлиси ушбу гиёҳванд воситалари қўшни Афғонистонда етиштирилиб, қайта ишланиб, зарурий кимёвий моддалар аралашмаси қўшилиб, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари орқали яширин ҳолда турли йўллар билан республикаимиз ҳудудига кириб келмоқда. Бунинг оқибатида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллати илдиз отиб келмоқда. Бинобарин, ушбу иллатнинг салбий оқибатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ берган маълумотига кўра, 2018 йил якунига қадар жами 989 та жиноят ишлари қўзғатилган бўлиб, ушбу жиноят ишлари бўйича 50 килограммдан ортиқроқ турли хилдаги гиёҳванд моддалари далилий ашё сифатида олинган. Жумладан, 2018 йилнинг ўзида, 121 та гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар

аниқланган [4]. Бу эса, мамлакатимизда ёшларнинг гиёҳвандлик домига тушиб қолишини олдини олиш, ҳамда унинг омилларни бартараф этиш, айниқса, гиёҳвандлик воситаларини ўрнини босиб бораётган дори-дармонлар ва синтетик наркотик моддаларни республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишига қарши қаратилган профилактик ва тезкор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бинобарин, 2018 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 12 фоизга камайиб, жами 4 минг 779 тани ташкил қилган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2021 йилда мусодара қилинган наркотик воситалари 1,3 тоннадан ортиқни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан солиштирганда қарийб учдан бир кўп эканлигини кўриш мумкин. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар эса 6032 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 20 фоизга кўпайганлигини билдиради. Содир этилган жиноятларнинг 1814 (1701) таси наркотик моддаларни ўтказиш ва сотиш бўлса, 304 (395) таси эса контрабанда, 1521 (1064) таси тақиқланган ўсимликларни етиштириш, 49 (43) таси бангхоналар ташкил этиш билан боғлиқ бўлса, бошқа турдаги наркожиноятлар 2344 (1823) тани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида ноқонуний муомаладаги 1 тонна 542,6 кг (1 тонна 200,5 кг) ёки 2020 йилга нисбатан 28,5 фоизга кўп наркотик моддалар мусодара қилинди. Уларнинг 28,4 (40,9) кг – героин, 124,1 (224,6) кг – опий, 323,9 (111,6) кг – гашиш, 692,8 (736, 4) кг – марихуана, 279,4 (0) гр – кокаин, 1229,7 (194,1) гр – синтетик наркотик моддалар, 446,98 (0) гр – бошқа наркотик моддалар (эутилон – амфетамин гуруҳига оид этилон наркотик моддасининг аналог, метамфетамин, мефедрон, ЛСД (лизергин кислотаси) ва бошқа турдаги наркотик моддалар) ва 19, 96 (23,8) кг – таркибида наркотик моддалар бўлган дори воситаларидир [5].

Ўзбекистонда 2018 йилда наркомания натижасида нарко диспансерларда даволанганлар сони 6142 нафарни ташкил этган. Марказий Осиё ҳудуди гиёҳванд моддалар айланмаси учун транзит нуқталар кесишмаси ҳисобланади. Бу борада, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам саломатлик ва фаровон ҳаётга эришиш кўрсатилган, бунинг учун эса биринчи навбатда гиёҳванд моддалардан хоилик талаб этилади. БМТнинг 2030 йилгача ривожланиш кун тартибида “Ҳеч ким ортда қолмаслиги керак” шиори амал қилади [6].

Ҳозирги кунда, аср вабосига айланиб бораётган гиёҳванд моддаларнинг оғир оқибатларидан ёшларни сақлаш борасида МДХ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича ҳамкорликда ҳаракат қилиш юзасидан бир талай расмий учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бинобарин, “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ва Туркменистон ўртасидаги битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги,

“Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши келажаги соғлом юрт қуриш учун қўйилган энг дадил қадамдир [7].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қарийб 80 миллионга яқин аҳолига эга бўлган Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилаётган аҳолининг 50 фоиздан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётганлиги минтақада жойлашган давлатлар олдига ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама бахтли ва саодатли бўлишлиги учун бирдамликда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Ўзбекистон мамлакатада баркамол авлодни тарбиялаш ва камолотга етказиш борасида қатор самарали ишларни амалга ошириш мақсадида, мамлакат ёшлари билан қўшни республикалар ёшлари ўртасида, ўзаро бирдамлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатиш, ташқи сиёсатимиздаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бироқ, ўз манфаатларини мамлакат юксалиши ва фаровонлигидан устун қўяётган бир гуруҳ жиноий тўдалар томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва оғуфурушликни авж олдиришга зўр бериб ҳаракат қилинаётганлиги давлат ва жамият тараққиётига кишан бўлмоқда. Бундай хатти – ҳаракат эса давлат ва жамият тараққиётига ва келажагига оғир зарба бўлиши ҳеч гап эмас. Бугун ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишликни мақсад қилиб олган эканмиз бу борада, Марказий Осиё минтақасида ўсиб келаётган ёшларни аждодларга муносиб бўлиб вояга етишларида, минтақада этник, миллий ва диний адоватни қўзғатишни олдини олишда, ёшлар ўртасида гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг истеъмол қилишларини олдини олишда, минтақа давлатларининг доимий равишда сергак ва огоҳ бўлиб туришлари даркор бўлади.

Зеро, ёшларни ўзларининг манфур ишларига етаклаётган жиноий гуруҳларнинг бузғунчи ғояларига қарши биргаликда курашишда эзгулик ғоясини сурмайдиган бўлсак, катта хатоликка, яъни тузатиб бўлмас хатога йўл қўямиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Ахмедов, 26 июнь -Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни.// <https://adolatmarkazi.uz/uz/news/news/26-iun-giyohvandlik>
2. Ш.Тўлаганов, 26 июнь – Халқаро гиёҳвандлик ва бангифурушликка қарши кураш куни. // <https://kun.uz/17827148?q=%2F17827148>
3. В ООН сообщили, что в этом году производство опиума в Афганистане выросло на 8% Объем производства опиума в Афганистане в этом году вырос на 8% и достиг 6,8 тыс. тонн.// <https://kun.uz/ru/news/2021/11/17/v-oon-soobshchilich-to-v-etom-godu-proizvodstvo-opiuma-v-afganistane-vyroslo-na-8>
4. Ш.Нуруллаева, Ёшлар – наркотик ва гиёҳвандликка қарши! // <http://darakchi.uz/uz/66504>
5. Тошкентда 1,3 тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар йўқ қилинди// <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/24/drugs/#!>
6. Ашита Миттал. Халқаро наркотикларга қарши кураш куни: гиёҳвандлик факт ва рақамларда // <http://www.ncdc.uz/uz/press-tsentr/mezhdunarodnye-vstrechi-i-meropriyatiya/2018/07/736/>
7. О.Гойипов, Гиёҳвандлик аср вабоси. // <http://diyonat.uz/index.php/malalar/645-gijokhvandlik-asr-vabosi>